

ҲИСОБ ТИЗИМИДА ЯНГИ ДАВР: ЎЗБЕКИСТОНДА МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТНИ МҲХС ТАЛАБЛАРИ АСОСИДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Акрамжон Тургунович МАМАЖОНОВ

профессор

иқтисод фанлари бўйича (PhD) фалсафа доктори

Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти

Андижон, Ўзбекистон

ORCID 0000-0002-7092-9873

mat69@mail.ru

Аннотация

Ушбу илмий мақолада Ўзбекистонда молиявий ҳисобот миллий стандартларини халқаро молиявий ҳисобот стандартлари талаблари асосида такомиллаштиришнинг концептуал ва методологик асослари таҳлил қилинади.

Таянч сўзлар: молиявий ҳисобот, МҲХС, бухгалтерия ҳисоби, инвестицион жозибадорлик, иқтисодий ислохотлар, методология, шаффофлик.

НОВЫЙ ПЕРИОД В СИСТЕМЕ УЧЕТА: СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ФИНАНСОВОЙ ОТЧЕТНОСТИ В УЗБЕКИСТАНЕ НА ОСНОВЕ ТРЕБОВАНИЙ МСФО

Акрамжон Тургунович МАМАЖОНОВ

профессор

доктор философии (PhD) по экономическим наукам

Андижанский институт сельского хозяйства и агротехнологий

Андижан, Узбекистан

ORCID 0000-0002-7092-9873

mat69@mail.ru

Аннотация

В данной научной статье анализируются концептуальные и методологические основы совершенствования национальных стандартов финансовой отчётности в Узбекистане на основе требований международных стандартов финансовой отчётности.

Ключевые слова: финансовая отчётность, МСФО, бухгалтерский учёт, инвестиционная привлекательность, экономические реформы, методология, прозрачность.

Бугунги кунда глобаллашув жараёнларининг чуқурлашиши ва халқаро иқтисодий алоқаларнинг кенгайиши шароитида корхоналарнинг молиявий ҳисоботларига бўлган талаблар кескин ошиб бормоқда. Молиявий ҳисоботларнинг шаффофлиги, ҳаққонийлиги ва халқаро қиёсланувчанлиги

хар бир давлатнинг инвестицион жозибадорлигини ошириш, хорижий капитални жалб қилиш ва халқаро бозорларда ўзига муносиб ўрин эгаллашида муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Бугунги кунда жаҳоннинг 140 дан ортиқ давлати, шу жумладан, Европа Иттифоқи, Австралия, Канада ва Япония каби йирик иқтисодиёти юксалган мамлакатлар халқаро молиявий ҳисобот стандартлари (МҲХС) тизимини тўлиқ ёки қисман қабул қилган. МҲХС инвесторлар, кредиторлар ва бошқа манфаатдор томонларга қарор қабул қилиш учун зарур бўлган сифатли ва қиёсланувчан молиявий ахборотни тақдим этишга қаратилган ягона қоидалар тўплами ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳам сўнгги йилларда иқтисодий ислохотларни жадаллаштириш йўлида муҳим қадамлар ташламоқда. Мамлакат иқтисодиётини либераллаштириш, банк-молия соҳасини ислох қилиш, тадбиркорлик субъектлари учун қулай шарт-шароитлар яратиш борасидаги давлат сиёсати ўз натижаларини бермоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги ПФ-5948-сонли “Бухгалтерия ҳисоби ва аудиторлик фаолияти соҳасида ислохотларни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони қабул қилиниши бу борадаги стратегик ёндашувни намоён этди. Ушбу Фармонга мувофиқ, 2021 йил 1 январдан бошлаб тижорат банклари, суғурта ташкилотлари ва йирик корхоналар учун МҲХС асосида молиявий ҳисобот тузиш мажбурий қилиб белгиланди.

Шундай бўлса-да, Ўзбекистондаги аксарият корхоналар ҳали ҳам миллий молиявий ҳисобот стандартлари (МҲМС) асосида иш юритмоқдалар. МҲМС ва МҲХС ўртасидаги мавжуд фарқлар хорижий инвесторлар учун Ўзбекистон корхоналарининг молиявий ҳолатини тўғри баҳолашда муайян қийинчиликлар келтириб чиқармоқда. МҲМС асосан бухгалтерия ҳисобини юритишнинг қатъий қоидаларига таянса, МҲХС молиявий ҳисобот тузишнинг умумий тамойилларига асосланади. Бу фарқлар активларни баҳолаш, даромадларни тан олиш, молиявий воситаларни акс эттириш ва бошқа кўплаб ҳисоблаш жараёнларида намоён бўлади. Шу сабабли, миллий

стандартларни халқаро стандартларга яқинлаштириш орқали мамлакатнинг инвестицион жозибадорлигини ошириш ва халқаро иқтисодий муносабатларда тенг ҳуқуқлилиқни таъминлаш муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эга.

Халқаро стандартлар асосида Ўзбекистонда молиявий ҳисоботнинг миллий стандартларини тузиш ва тақдим этиш методологиясини такомиллаштириш бўйича илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқиш асосий мақсад ҳисобланади.

Асосий вазифалар:

Амалдаги Ўзбекистон миллий молиявий ҳисобот стандартлари ва МҲХС ўртасидаги концептуал ва методологик фарқларни чуқур таҳлил қилиш.

МҲХСни жорий этишнинг халқаро тажрибасини, хусусан, МДҲ давлатлари (Россия, Қозоғистон ва Беларусь) мисолида ўрганиш ва қиёсий таҳлил ўтказиш.

Ўзбекистонда молиявий ҳисоботнинг миллий стандартларини МҲХС га яқинлаштириш йўналишларини аниқлаш ва мавжуд муаммоларни баҳолаш.

Миллий ҳисобот стандартларини такомиллаштириш, кадрлар тайёрлаш ва ахборот технологияларини ривожлантириш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

МҲХС ва МҲМСнинг назарий ва амалий асослари. Мавзуга оид илмий адабиётлар, дарсликлар ва монографияларни таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, молиявий ҳисобот стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш масаласи ҳар бир давлатнинг иқтисодий ривожланиш даражаси, ҳуқуқий тизими ва миллий урф-одатлари билан узвий боғлиқдир. Халқаро миқёсда энг кенг тарқалган молиявий ҳисобот стандартлари тизими, яъни МҲХС (IFRS), ўз моҳиятига кўра тамойилларга асосланган (principles-based) тизим ҳисобланади. Бунда молиявий ахборотнинг сифат характеристикаларига (масалан, мослик, ҳаққоний тақдим этиш, қиёсланувчанлик ва

тушунарлилик) асосий эътибор қаратилади. Бундай ёндашув молиявий ҳисобот тузувчига муайян иқтисодий операциянинг мазмунини акс эттиришда кенгрок эркинлик беради. Масалан, Дэвид Александер ва Кристофер Нобс каби таниқли олимларнинг ишларида МҲХСнинг концептуал асослари чуқур таҳлил қилинган. Улар МҲХСнинг асосий ғояси инвесторларга қарор қабул қилишда фойдали бўлган ахборотни тақдим этишдан иборат эканлигини таъкидлайдилар.

Ўзбекистондаги миллий молиявий ҳисобот стандартлари (МҲМС) тизими эса ўз тарихига кўра собиқ Иттифоқ бухгалтерия ҳисоби тизимидан келиб чиққан бўлиб, қоидаларга асосланган (rules-based) тизимдир. Ушбу тизимда ҳар бир операция учун аниқ қоидалар ва кўрсатмалар белгиланган бўлиб, бундай қатъийлик корхоналарга маълум бир даражада хатоликлардан ҳимояланади. Аммо бу ёндашувнинг салбий томони шундаки, у молиявий ҳисоботнинг ҳаққонийлигидан кўра, унинг шаклига кўпроқ эътибор беради. Ўзбекистонлик олимлар, хусусан, Т. Маликов ва А. Уразметов ўз илмий ишларида МҲМСнинг хусусиятларини ва унинг модернизация қилиш заруриятини асослаб берганлар.

1-жадвал

МҲМС ва МҲХС ўртасидаги асосий концептуал ва методологик фарқлар

Кўрсаткич	МҲМС	МҲХС
Ҳисобга олиш таъйини	Асосан, касса усули қўлланилади, харажатлар ва даромадлар нақд пул ҳаракатига кўра тан олинishi мумкин.	Ҳисоблаш усули (accrual basis) асос қилиб олинади, операциялар улар юз берган вақтда тан олинади.
Активларни баҳолаш	Асосий воситалар дастлабки қийматда акс эттирилади.	Асосий воситалар қайта баҳолаш қийматида ёки дастлабки қийматда акс эттирилиши мумкин.
Дисконтлаш	Узоқ муддатли қарз мажбуриятлари ва дебиторлик қарзлари дисконтланмайди.	Узоқ муддатли мажбуриятлар ва дебиторлик қарзлари келажакдаги қийматини бугунги кунга дисконтлаш талаб этилади.

Кўрсаткич	МХМС	МХХС
Аудит	Миллий аудит стандартларига мувофиқ амалга оширилади.	Халқаро аудит стандартлари (ХАС) талаблари асосида бажарилади.

Бу таҳлиллар шуни кўрсатадики, Ўзбекистонда МХМСни такомиллаштириш жараёни нафақат техник ўзгаришларни, балки бутун бухгалтерия ҳисоби фалсафасини қайта кўриб чиқишни талаб қилади.

МХХСни жорий этишда халқаро тажриба таҳлили. Жаҳон амалиётида МХХСга ўтиш жараёни ҳар бир давлатнинг иқтисодий ва ҳуқуқий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда турлича кечган. Кўпгина давлатлар босқичма-босқич ва эгилувчан ёндашувни қўллаган. Ўзбекистонга иқтисодий тузилиши ва ҳуқуқий тизими жиҳатидан яқин бўлган МДХ давлатларининг тажрибаси алоҳида эътиборга лойиқ.

Россия Федерацияси тажрибаси: Россияда МХХСга ўтиш жараёни 2000 йиллар бошида бошланган. Дастлаб, 2004 йилда “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги қонунга ўзгартиришлар киритилди ва молиявий ҳисоботларни МХХСга мувофиқ тузишга рухсат берилди. 2012 йилда эса “Консолидациялашган молиявий ҳисобот тўғрисида”ги Федерал қонун қабул қилинди, бунга кўра йирик компаниялар, банклар ва суғурта ташкилотлари учун консолидациялашган ҳисоботларни МХХСга мувофиқ тузиш мажбурий қилиб белгиланди. Россия тажрибасининг асосий хусусияти — икки стандартли тизим (МХМС ва МХХС) узоқ вақт давомида параллел фаолият юритгани бўлди. Бу корхоналарга янги стандартларга мослашиш учун вақт берди.

Қозоғистон Республикаси тажрибаси: Қозоғистон МХХСга ўтишни янада жадал суръатларда амалга оширган давлатлардан бири. 2002 йилда қабул қилинган “Бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисобот тўғрисида”ги қонун билан МХХС асосий стандартлар сифатида эътироф этилди. 2007 йилдан бошлаб Қозоғистон бухгалтерия ҳисоби стандартлари миллий

қонунчилик доирасида МҲХСга тўлиқ мувофиқлаштирилди. Бу жараённинг муваффақиятига:

Давлат томонидан кучли қўллаб-қувватлаш: Ҳукуматнинг қатъий қарори ва босқичма-босқич амалга оширилган ислохотлар.

Малакали кадрлар тайёрлаш: МҲХС бўйича мутахассисларни тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Аудит тизимини ривожлантириш: Халқаро аудит стандартлари (ХАС) мажбурий қилиб белгиланди. Бу омиллар Қозоғистоннинг халқаро бозорлардаги маъқеини мустаҳкамлашга хизмат қилди.

Европа Иттифоқи 2005 йилдан бошлаб ўз аъзо давлатларида акциялари биржаларда савдога қўйилган барча компаниялар учун МҲХС бўйича молиявий ҳисобот тузишни мажбурий қилди. ЕИ тажрибасининг муҳим жиҳати шундаки, улар ягона стандартлар тизимини жорий этиш орқали бутун Иттифоқ ҳудудида капитал бозорининг ягона қоидалар асосида ишлашини таъминладилар. Бу, ўз навбатида, инвестицияларни жалб қилиш, капитал оқимини эркинлаштириш ва минтақавий иқтисодий ўсишни рағбатлантиришга ёрдам берди.

Келтирилган тажрибалардан хулоса қилиш мумкинки, МҲХС га ўтиш биргина бухгалтерия ҳисоби қоидаларини ўзгартириш эмас, балки бутун иқтисодий тизимнинг шаффофлигини оширишга қаратилган комплекс ислохотлардир. Бу жараён муваффақиятли кечиши учун давлат томонидан қатъий сиёсий ирода, ҳуқуқий базани такомиллаштириш, малакали кадрлар тайёрлаш ва ахборот технологияларини ривожлантириш каби омиллар бирига уйғун тарзда амалга оширилиши зарур.

Ўзбекистонда МҲМСни МҲХСга яқинлаштириш жараёнида назарий ва амалий нуқтаи назардан ҳал қилиниши лозим бўлган қатор муаммолар мавжуд. Бу муаммолар қуйидагилар:

Қонунчилик базасининг етарлича мослашмаганлиги: Амалдаги "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги қонун ва бошқа норматив ҳужжатлар ҳали ҳам асосан "қоидаларга асосланган" ёндашувга асосланади.

Кадрлар салоҳиятининг етишмаслиги: Ўзбекистонда МҲХС бўйича халқаро сертификатларга (АССА, СИМА) эга мутахассислар сони чекланган. Олий таълим муассасаларида эса МҲХС чуқур ўрганилмаяпти.

Ахборот технологиялари инфратузилмаси: Кўплаб корхоналардаги бухгалтерия ҳисоби дастурлари икки стандартли ҳисоб юритиш (МҲМС ва МҲХС) имкониятини бермайди. Бу эса ҳисобот тузиш жараёнини мураккаблаштиради ва қўшимча харажатларни талаб қилади.

Солиқ ҳисоби ва молиявий ҳисоб ўртасидаги фарқлар: Ўзбекистонда бухгалтерия ҳисоби кўп ҳолларда солиқ ҳисобига мослаштирилган. Бу эса МҲХСнинг асл мақсади – ҳаққоний молиявий ҳолатни акс эттиришга тўқинлик қилади.

Амалий таклифлар ва методологик ёндашувлар:

"Янгиланган МҲМС" концепциясини ишлаб чиқиш: МҲХСни Ўзбекистонга "кўчириб ўтказиш" эмас, балки мавжуд МҲМСни МҲХС нинг асосий тамойилларига мувофиқлаштирган ҳолда янгилаш керак. Бунда, масалан, асосий воситаларни баҳолашда қайта баҳолаш моделини қўллаш, молиявий воситаларни адолатли қийматда акс эттириш каби қоидалар МҲМСга киритилиши мумкин.

Ҳукуқий базани такомиллаштириш: "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги қонуннинг янги таҳририни ишлаб чиқиш. Бунда, ҳисоблаш усули (accrual basis) ва моддият (materiality) каби МҲХСнинг асосий тамойилларини қонун даражасида мустаҳкамлаш лозим. Шунингдек, Молия вазирлиги ҳузуридаги Бухгалтерия ҳисоби миллий стандартлари кенгашини янада ваколатли орган сифатида қайта ташкил этиш.

Кадрлар салоҳиятини оширишга устуворлик бериш: Олий таълим муассасаларининг ўқув дастурларига МҲХС бўйича мажбурий фанлар киритиш. Молия вазирлиги томонидан молиялаштириладиган "МҲХС тренинглари" дастурини йўлга қўйиш.

Ахборот технологияларини ривожлантириш: ERP тизимларини ишлаб чиқиш ва жорий этишда давлат грантларини бериш. Бундай тизимлар икки ҳисоб-китоб тизимини бирлаштиришга имкон бериши керак.

. Ўзбекистонда молиявий ҳисоботнинг миллий стандартларини МҲХС асосида такомиллаштириш мамлакат иқтисодиёти учун муҳим стратегик аҳамиятга эга. Бу жараён корхоналарнинг молиявий ҳисоботларининг шаффофлигини ошириш, хорижий инвесторлар ишончини мустаҳкамлаш ва халқаро капитал бозорларига чиқиш имкониятини кенгайтиришга хизмат қилади.

Келтирилган тадқиқот натижалари ва таклифлар қуйидаги асосий хулосаларни беради:

Биринчидан, МҲМС ва МҲХС ўртасидаги концептуал ва методологик фарқлар корхоналарнинг молиявий ҳолатини ҳаққоний баҳолашга тўқинлик қилмоқда.

Иккинчидан, МҲХСга ўтиш жараёнини босқичма-босқич, тармоқлар хусусиятларини инобатга олган ҳолда амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Учинчидан, ҳуқуқий базани, малакали кадрлар тайёрлаш тизимини ва ахборот технологияларини комплекс равишда такомиллаштириш лозим.

Мазкур натижалар молиявий ҳисобот тизимини ислоҳ қилиш бўйича давлат дастурларини ишлаб чиқишда, шунингдек, бухгалтерия ҳисоби ва аудит соҳасида илмий тадқиқотлар олиб боришда фойдали бўлади. Ушбу илмий изланишлар шубҳасиз Ўзбекистоннинг халқаро молиявий маконда мустаҳкам ўрин эгаллашига хизмат қилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонуни. Lex.uz
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги ПФ–5948-сонли Фармони. Lex.uz
3. Международные стандарты финансовой отчетности. [IFRS]

4. Маликов Т.С. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари. – Тошкент: Иқтисод-Молия, 2021.
5. Уразметов А.Б. Бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисобот. – Тошкент: Ўзбекистон, 2019.
6. Alexander, D., & Nobes, C. (2019). Financial Accounting: An International Introduction. Pearson.
7. Макарова И.В. Международный опыт перехода на МСФО: уроки для России // Вестник Российского университета дружбы народов. Серия: Экономика, 2016. – № 4. – С. 98–107.
8. Кожаметова Г.К. Опыт Казахстана по внедрению МСФО // Вестник КазНУ. Серия Экономическая, 2018. – № 1(123). – С. 135–142.